



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 55 (13.902)

Баҳоси эркин нарҳда

БЮДЖЕТ ВА ЭКСПОРТ ТУШУМЛАРИ – ИЖТИМОЙ СОҶА РИВОЖИНИНГ МУҲИМ МАНБАИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 4 апрель куни 2019 йилнинг биринчи чораги якунлари бўйича Давлат бюджетига тушумлар ва экспорт прогнозлари ижроси натижадорлиги ҳамда биринчи ярим йиллик учун белгиланган кўрсаткичларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш юзасидан видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Биринчи чорада мамлакатимиз бўйича бюджет тушумлари тўлиқ ҳамда ўтган йилнинг мос давридаги нисбатан 2 баробар кўп бажарилди. Чора яқини бўйича маҳаллий бюджет даромадлари режага нисбатан 1 триллион 253 миллиард сўм ортиги билан бажарилиб, ҳудудлар ихтиёрида ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,5 баробар кўп маблағ қолди.

Маҳаллий бюджетда қанча кўп даромад бўлса, долзарб ижтимоий масалаларни шунча тезкорлик билан ҳал қилиш мумкин, деди давлатимиз раҳбари. Қўшимча маблағлар, жумладан, Бешта ташаббус, "Обод қишлоқ", "Обод маҳалла", "Ичимлик суви", "Хар бир оила – тадбиркор" каби давлат дастурларини жойларда тизимли амалга ошириш, аҳоли даромадларини кўпайтириш ва ҳаётини яхшилаш учун зарур бўлади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ушбу вазифанинг аҳамиятини ҳамма раҳбар ҳам бирдек англаб етмаётганини кескин танқид қилди. Жумладан, бюджетга тушумлар прогнози 9 туман ва шаҳарда бажарилмаган.

Хусусан, Тошкент шаҳрининг ўн битта туманидан етти тасидида тушумлар прогнози бажарилмаган. Ушбу туманлар солиқ инспекциялари раҳбарлари лавозимларидан озод этилди.

Шаҳар ҳокимлиги ва солиқ идоралари раҳбарлари томонидан бюджетга тушумларни таъминлашда сустлашқига йўл қўйилганлиги қаттиқ танқид остига олинди.

Бундай ҳолатлар вилоятларда ҳам қайд этилган. Шу сабабли Давлат солиқ қўмитасига маҳаллий бюджетга тушумлар прогнози бажарилмаган қатор туман ва шаҳар солиқ идоралари раҳбарларининг лавозимига лойиқлигини танқидий кўриб чиқиш топширилди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси солиқ сибсатини такомиллаштириш концепциясининг асосий мақсади солиқ юкини тенг тақсимлашдан иборат.

Президентимиз солиқ ислохотларини самарали амалга ошириш учун ҳукумат олдида жуда кўп вазифалар турганини таъкидлади.

Жумладан, жорий йилдан бошлаб қўшимча қиймат солиғи тўловчилари сони қарийб 5 бараварга ошган. Лекин қўшимча қиймат солиғини ҳисоблашнинг самарали ва содда механизмлари ташкил этилмагани сабабли ушбу тизимга ўтган 26 мингта корхонадан 9 мингтаси тегишли солиқ ҳисоботларини топшира олмаган.

Вазирлар Маҳкамаси ва Давлат солиқ қўмитасига бир ой мuddатда халқаро экспертлар билан биргаликда Ўзбекистонда солиқ ислохотларини амалга оширишда вужудга келаятган муаммоларни бартараф этиш бўйича

қарор лойиҳасини ишлаб чиқиш топширилди.

Бюджет тушумларини таъминлашдаги асосий тўсиқлардан бири иқтисодиётда норасмий фаолиятнинг сақланиб қолаётганидир.

Президентимиз бу борадаги ишлар натижалари мутлақо қониқарли эмаслигини таъкидлади. Шу сабабли қабул қилинган дастурий чораларни жонлантириш бўйича топшириқлар берилди.

Савдо-саноат палатаси, Бизнес-омбудсманга ҳокимликлар билан биргаликда фаолиятини тўхтатган тадбиркорлар учун учрашувлар ўтказиш ва фаолиятини тиклашда кўмаклашиш вазифаси юклатилди.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, юқорида кўрсатилган муаммолар ўз вақтида бартараф қилинса, йил охирига қадар бюджетга қўшимча камида 6 триллион сўм тушишини таъминлаш мумкин.

Жумладан, жорий йилнинг иккинчи чорагида Бухоро, Навоий, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳрида 200 миллиард сўмдан, Қашқадарёда 170 миллиард сўм, Андижонда 140 миллиард сўм, Қорақалпоғистонда 130 миллиард, Фарғонада 100 миллиард, Самарқанд ва Наманганда 80 миллиард сўмдан, Жиззах, Сурхондарё, Сирдарё ва Хоразмда 60 миллиард сўмдан, жами қарийб 2 триллион сўм бюджетга қўшимча маблағ тушириш имконияти мавжуд.

Йиғилишда мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини оширишга қаратилган чоралар ҳам муҳокама қилинди.

Иккинчи чорада ўтган чорака нисбатан 1,1 миллиард доллар кўп экспортни амалга ошириш вазифаси турганлиги қайд этилди. Жумладан, апрель-июнь ойларида ҳокимликлар биринчи чорака нисбатан 3 баробар кўп мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини таъминлаши зарур.

Давлатимиз раҳбари айрим соҳа ва тармоқ мутасаддилари ва ҳудудлар раҳбарларини бу борада мавжуд имкониятлар тўлиқ ишга солинмаётгани учун кескин танқид қилди.

Экспортбон маҳсулотлар бўйича қандай ўстун жиҳатлар мавжудлиги, қайси ҳудудда қандай маҳсулот етиштириш ва қаерга экспорт қилиш мақсадга мувофиқлиги бўйича қисқа мuddатда амалий тақлифлар ишлаб чиқиш юзасидан топшириқ берилди.

Йиғилишда таъкидланганидек, экспорт қилинаётган товарларни божхонада расмийлаштириш, товарлар учун назорат идораларидан рухсат олишни соддалаштириш бўйича қатор вазифаларни ҳал этиш лозим. Мисол учун, мамлакатимизда экспорт ҳужжатларини расмийлаштириш 96 соат вақт олса, хорижда бунга 12 соату 20 дақиқа кетади, холос.

Бу соҳада "Ягона дарча" тизими тўлиқ жорий этилмагани оқибатида тадбиркорлар ўз маҳсулотини экспорт қилишга рухсат олиш учун камида 10 та идорага бориши лозим.

Шу муносабат билан Вазирлар Маҳкамасига экспорт-импорт операцияларига рухсат берувчи идораларни жалб қилган ҳолда ташқи иқтисодий фаолият билан боғлиқ давлат хизматларини қамраб олувчи "Ягона дарча" тизимини жорий этиш вазифаси топширилди.

Давлат божхона қўмитасига пишиқчилик даврида божхона постларининг ўтказувчанлигини ошириш ва тирбандликка йўл қўймаслик учун тегишли чоралар кўриш вазифаси юклатилди.

Президентимиз экспортбон қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш ва маҳсулот етиштиришнинг прогноз ҳажмлари ижросини тўлиқ таъминлаш лозимлигини алоҳида таъкидлади.

Экспорт бозорларида мамлакатимиз ўрнини мустаҳкамлаш мақсадида мева-сабзавотчиликка ихтисослашган Фалларол, Зомин, Булунгур, Ургут, Қибрай, Паркент, Олтиариқ туманлари ва Қувасой шаҳрида ташкил этилаётган қишлоқ хўжалиги бирлашмалари фаолиятини самарали йўлга қўйиш зарур.

Шунингдек, "Ўздавқарантин" инспекциясига гилос, ўрик, олча каби бозори чаққон мева-ларнинг хорижий бозорларга фаол кириб боришини таъминлаш мақсадида чет эл қарантин хизматлари билан музокара олаётган экспортчиларимиз учун қулай шароитлар яратиш чораларини кўриш топширилди.

Транспорт-логистика харажатлари юқорилиги мамлакатимиз экспорт салоҳиятини оширишга салбий таъсир кўрсатаётгани қайд этилди. Ушбу муаммони ҳал этиш йўлидаги биринчи қадам сифатида жорий йил февраль ойидан юртимизга импорт қилинадиган вагонлар божхона божларидан озод қилинди.

Бу борада Транспорт вазирлигига мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини амалга оширишда темир йўл транспорти имкониятларидан кенг фойдаланиш, "Ягона дарча" таъминоти асосида соддалаштирилган механизм жорий этиш вазифаси қўйилди.

Бундан ташқари, юк транспорти паркинни тўлдириш учун ишлаб чиқарилганига 4 йилдан ошмаган автомобиль-транспорт воситаларини сотиб олиш учун кредитлаш тизимини жорий этиш бўйича тақлиф киритиш топшириғи берилди.

Йиғилишда ҳар бир тармоқ ва ҳудуд раҳбари экспорт тушумлари барқарор ва ўз вақтида келиб тушиши учун шахсан жавобгар экани белгилаб қўйилди.

ЎЗА

Президентимиз ташаббуси билан Сурхондарёда Халқаро бахшичилик санъати фестивалининг ўтказилиши халқимизнинг қадимий ва ноёб санъатини янада ривожлантириш, тарғибот қилиш ва моҳир ижрочиларни рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этади.



МИЛЛИЙ ВА АЗАЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ТИМСОЛИ БУГУН ХАЛҚАРО БАХШИЧИЛИК САНЪАТИ ФЕСТИВАЛИ БОШЛАНДИ

Бугун Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳри байрамона қиёфа касб этган. Байрам тадбирлари ўтказилган 32 гектардан иборат майдонда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг рамзий қўрғонлари бунёд этилган. Бу ерда ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос ҳаёт тарзи, миллий урф-одат, анъана ва қадриятларини намойён қилувчи кўргазмалар ташкил қилинган.

Жаҳоннинг турли мамлакатларидан бахши-шоирлар, оқинлар, жировлар ва санъат ихлосмандлари бўлган сайёҳлар ташриф буюрган. Бундай нуфузли санъат байрамининг айнан Сурхондарёда ўтказилиши негизда ҳам фалсафий бир маъно бор. Зеро, Сурхон эли халқ оғзаки ижодининг нодир дурдоналари билан танилган қадимий воҳадир.

Анжуманни юртимизда фаолият олиб бораётган оммавий ахборот воситаларининг 200 дан ортиқ ходимлари ва 20 давлатдан ташриф буюрган 30 га яқин журналистлар ёритиб бормоқда.

Миллий қадриятларимиз ва нафис санъатимиз улуғланадиган мазкур фестиваль барча иштирокчиларни юксак инсоний фазилатлар улуғланадиган халқ оғзаки ижоди дурдоналаридан баҳраманд этишга руҳлантирмоқда. ЎЗА муҳбири уларнинг айримлари билан суҳбатлашди.

Алексей РОДИН, rassom (Россия):

– Россиядан бир қатор ижодкорлар билан Термиз шаҳрига келдик. Қадимий бу гўша билан дунё ахли яқиндан танишиши ва томоша қилишини истайман. Чунки Сурхондарё инсониятга бешик бўлган қадимги ҳудудлардан бири сифатида дунёга маълум ва машҳур. Тарихдан қадимий бу воҳада диний бағрикенглик кенг кулоч ёйган. Илм-фан, маданият ва санъат, архитектура ривожланган.

Ўтмишда ҳаётнинг турли синовларидан ўтган бу шаҳарнинг мафтункор, бетакрор ва ўтмиш билан уйғунлашиб кетган замонавий қиёфаси менда қатта таассурот уйғотди. Миллий урф-одат ва анъаналарининг билан яқиндан танишиш истагидаман. Файзтепа, будда ибодатхонаси, рус черкови ва тарихий қадамжоларга бормоқчиман. Бу таассуротларимни ўз асарларимда акс эттириб, дунёга кенг тараннум этаман.

(Давоми 2-бетда)

Диққат, танлов!



ЖУРНАЛИСТИКА СОҶАСИДА "ОЛТИН ҚАЛАМ" XIV МИЛЛИЙ МУКОФОТИ

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва Журналистларни қайта тайёрлаш маркази қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг оммалаштириш, оммавий ахборот воситалари ходимлари фўқаролик позицияларини намойён этишлари учун кенг шароит яратиш ҳамда журналистларда танқидий-таҳлилий мушоҳада ва ижодий фаолиятга янгина ёндашувларни шакллантириш ва рағбатлантириш мақсадида "Олтин қалам" XIV миллий мукофоти учун халқаро танлов ўтказилади.

3 май – Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишланган бу танловга 2018 йилнинг 31 мартдан 2019 йилнинг 31 мартгача – бир йил давомида газета ва журналларда чоп этилган, радио орқали эфирга узатилган ҳамда телевидениеда кўрсатилган ва Интернет нашрларида берилган материаллар 2019 йилнинг 15 апрелигача қабул қилинади.

Танлов гоилиблари учун қуйидаги мукофотлар таъсис этилган:

Журналистика соҳасида бош миллий мукофот. Гоилиб махсус диплом, "Олтин қалам" кўрак нишонини, статуэткиси ва Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдоридида пул мукофоти билан тақдирланади.

Асосий мукофотлар:

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (телевидение – 1-, 2-, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (радио – 1-, 2-, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (босма оммавий ахборот воситалари – 1-, 2-, 3-ўринлар);

Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (Интернет-журналистика – 1-, 2-, 3-ўринлар).

Биринчи ўринни олган гоилиблар диплом, "Олтин қалам" кўрак нишонини, статуэткиси ва энг кам иш ҳақининг 160 баробари миқдоридида пул мукофоти

ти билан тақдирланади.

Иккинчи ўринни олган гоилиблар диплом, "Олтин қалам" кўрак нишонини, статуэткиси ва энг кам иш ҳақининг 140 баробари миқдоридида пул мукофоти билан тақдирланади.

Учинчи ўринни олган гоилиблар диплом, "Олтин қалам" кўрак нишонини, статуэткиси ва энг кам иш ҳақининг 120 баробари миқдоридида пул мукофоти билан тақдирланади.

Рағбатлантирувчи мукофотлар учун номинациялар:

Инсон ҳуқуқлари мавзусидаги энг яхши материал;

Чет эллик журналистнинг Ўзбекистон ҳақидаги энг яхши материали учун; Энг яхши фоторепортаж;

Энг яхши матбуот хизмати.

Мазкур номинациялар гоилиблари диплом, "Олтин қалам" статуэткиси ва энг кам иш ҳақининг 50 баробари миқдоридида пул мукофоти билан тақдирланади.

(Давоми 2-бетда)



XXII "сағоси" асри

Барча жаноблардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Нукус шаҳрида Ўзбекистонда биринчи марта ақлий ва жисмоний нуқсонлари бўлган болаларни тарбиялайдиган ва реабилитация қиладиган "Imkon" номи ихтисослаштирилган мактабгача таълим муассасасининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Марказда ташкил қилинган 4 та гуруҳ турли номларга эга бўлиб, соғлиғида нуқсон бўлган болаларни ҳар томонлама соғломлаштириш ва таълим-тарбия бериш учун мўлжалланган. Яъни кўзида, эшитишида, тилида, ақлий ривожланишида нуқсон бўлган болалар учун махсус ускуналар ва дидактик материаллар тўла таъминланган.

• Андижон вилояти Хўжабод туманида "Оилавий тадбиркор-

ликка кенг йўл" номи кўргазма ташкил этилди. Кўргазмада таъминотчи корхоналар, яъни тикув машиналари, парранда, куён, асалари, кўчат, уруғ етказиб берувчи, шунингдек, иссиқхоналар куриб берувчи, турли йўналишлар бўйича хизмат кўрсатувчи корхона-ташкilotлар ва хўжаликлар иштирок этиб, ўз маҳсулотлари, хизматлари бўйича тақдимот ўтказди.

• Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманида иккита мактабгача таълим муассасаси фойдаланишга топширилди.

• Қашқадарё вилояти Яқкабоғ туманида "Янги Насаф Нур Текстиль" Ўзбекистон – Ҳиндистон қўшма корхонасига тамал тоши қўйилди. Чўмич маҳалла фўқаролар йиғини ҳудудидаги эски тўқимачилик фабрикасининг фойдаланилмай турган биноси ўрнида ташкил этилаётган замонавий корхонага 12 миллион 500 минг АКШ доллари сарфланади. Ҳиндистоннинг "Ямуна" компанияси билан ҳамкорликда барпо қилинадиган корхонада йилга 7 миллион погонметр

жинси матоси ва 1 миллион донга тайёр кийим ишлаб чиқарилади.



• Перу пойтахти Лима шаҳрида икки қаватли автобуснинг ёниб кетиши натижасида йигирма киши ҳалок бўлди. Маълумотларга қараганда, ёнгин машинанинг орқа қисмида жойлашган двигателдан чиқиб, салонга ўтиб кетган. Хозирда ёнгин сабаблари ўрганилмоқда.

• Эрон жануби-ғарбидаги Хузистон вилоятида бир неча кундан буён тинимсиз ёмғир ёғиши боис сув тошқинлари хавфи борлиги сабабли етмишдан ортиқ қишлоқ аҳолиси эвакуация қилинди. Сўнгги ҳафта давомида хавфли ҳудудларда қирк етти киши ҳалок бўлди. Табиий офат туфайли 31 вилоятдан 26 тасини сув босди, йигирма минглаб кишилар ўз уй-жойларини тарк этишга мажбур бўлди. Бир нечта вилоятда фавқулдда ҳолат эълон қилинди.



МИЛЛИЙ ВА АЗАЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ТИМСОЛИ



(Давоми. Боши 1-бетда)

Раҳо ЛАНГЦЕП, иштирокчи (Эстония):

– Ўзбекистон заминиди ўтаётган нуфузли фестивалда иштирок этиш бахтига муяссар бўлаётганимдан мамнунман. Дунёда санъатнинг қадимий турлари бўйича мусиқа фестиваллари санокли. Юртингиз санъатнинг яна бир ноёб тури – бахшичилик бўйича нуфузли анжуманга мезбонлик қилмоқда. Бу дунё халқлари кўпдан буён кутаётган фестивалдир.

Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан унутилиб бораётган қадимий санъат турларини асраб-авайлаш ва ривожлантириш йўлида яна бир хайрли ишга қўл урилди. Бахшичилик санъати фестивали ташкил этилгани дунё халқларини бахшичилик ва дostonчилик санъатининг қадимий намуналарини асраш ва ривожлантириш, халқлар ўртасидаги дўстлик ва биродарлик ришталарини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Термиз шаҳрида ушбу фестивалга кўтаринки руҳда тайёргарлик кўрилган. Аэропортда бизни юртингиз жамоатчилиги, санъат ва маданият намояндлари, миллий либосдаги йигит-қизлар катта эҳтиром билан кутиб олди. Ўйлайманки, бу кўтаринчилик беш кун давом этадиган Халқаро бахшичилик фестивалида бизга янада илҳом бағишлайди.

ШУКУРЛЛО, Ўзбекистон халқ шоири

– “Алпомиш”, “Едгор”, “Юсуф билан Аҳмад”, “Рустамхон”, “Қиронхон”, “Ширин билан Шакар”, “Кунтуғмиш”, “Гўрўғли” каби дostonларни машҳур бахшилар тилидан эшитиб катта бўлган авлодмиз. Бу дostonлар ҳамон қулоғимда.

Фозил Йўлдош, Эргаш Жуманбулбул, Ислom шоир, Пўлкан шоирлар дostonларни маромига етказиб айтди. Улар дўмбирани қўлга олганида ҳаммани сехрлаб, дoston воқеаларига махлиё қилиб кўярди.

Халқ оғзаси ижоди – халқнинг мусиқий хазинаси. Бу бойлиқни асраб-авайлаш, ривожлантириш авлодлар бурчи. Бунинг учун, энг аввало, санъатга, адабиётга замин бўлган халқимизнинг қадимий мифология тасаввурларини, бахшичилик санъатини яхши ўрганиш, тадқиқ этиш лозим. Қолаверса, эпик ижод ҳар бир халқнинг бадиий тарихидир.

Сурхондарёнинг Термиз шаҳрида Халқаро бахшичилик санъати фестивали бошланишини эшитиб, хурсанд бўлиб кетдим. Байрам беш кун давом этаркан. Байрам халқларни бир-бирига яқинлаштиради, қадимий эпосларидан баҳра олишга имкон яратди.

Энг асосийси, дostonчилик ўзига хос жуда ноёб санъат. Ундаги ижро сехрларини сақлаб қолиш ундан ҳам аҳамиятли. Бундай хайрли, савобли ташаббуснинг давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилгани дoston тинглаб дунё таниган биздек қариялар учун, айниқса, қувончли – катта байрам!

Байрамимиз яхши ўтсин. Дўмбиралар садоси ҳаммани жаранглаб турсин!

Соломон ГОГАШВИЛИ, мусиқашунос (Грузия):

– Грузияда эпик кўшиқлар жуда кўп. Мен фестивалда улардан намуналар ижро этиб, ушбу улкан этнофестиваль орқали дунё эпик санъати мухлислари эътиборини қадимий кўшиқларимизга қаратмоқчиман. Бунинг учун ўзим билан қадимий чолғу асбобини олиб келдим. Буни менга буюм совға қилган. У билан жаҳондаги энг қадимий эпослардан бирини куйламоқчиман. Ўйлайманки, меннинг ижромим нафақат ташкилотчилар ва ҳакамлар ҳайъатига, балки мухлисларга ҳам қутилмаган совға бўлади.

Ўзбекистонга аввал ҳам келганман. “Шарқ тароналари” мусиқа фестивалида иштирок

этиб, юртингизда санъат нечоғли қадрланишига гувоҳ бўлганман. Қадимий диёрингизда нафақат санъатни улуғлашга, балки унинг намояндларини қўлаб-қувватлашга қаратилаётган эътибор бизни жуда руҳлантиради.

Ўзбек халқининг бағрикенг ва меҳмондўстлиги билан бирга халқ оғзаси ижодини жуда севишини яхши биламан. Ҳар бир ўзбек хонадониди дostonлар сақланади, болалар ёшлигидан халқ қаҳрамонларининг ўлмас жасорати ва руҳи билан улғаяди. Сурхондарё заминиди тўйлар бахшиларсиз ўтмаслигини эшитдим. Фестивалда бундай урф-одатларингизни ўз кўзим билан кўрмоқчиман.

Шерали ЖўРАЕВ, Ўзбекистон ва Тожикистон халқ артисти:

– Ёши улғур юртдошларимиз яхши эслашади. Авваллари тўйлар бахшиларнинг иштирокисиз ўтмаган. Улар давра ўртасида “Алпомиш”, “Гўрўғли”, “Юнус пари”, “Авазхон”, “Кунтуғмиш” каби дostonларимиздан парчалар ижро этишган. Одамлар тонггача қимирламай, дўмбира садосига, бахшининг хонишига махлиё бўлган. Дostonдаги қизиқарли воқеалар давомини интиқиб кутган.

Булунғурлик Амин бахши “Алпомиш” дostonини уч ой давомиди тингловчиларни зериктирмай қўйлаган экан. Қаранг, бир фаслга тенг муддат-а! Шунча вақт тингловчиларни зериктирмай, бунинг устига, ўзи ҳам толиқмай қуйлаш, соз ижро этишининг ўзи бўладими?! Яна денг, ҳаммасини ёддан айтиш осонми?! Мана, бахшиларимизнинг ақл-зақоси қанчалик юксак, қувваи ҳофизаси нақадар мустаҳкам!

Бахшининг яна бир улуглиги шундаки, у кучли ижодкор. Бир дostonни қуйлаганда ҳар гал ўзгаришлар киритади. Ана шулар шарофати билан йигитларимиз Алпомишдек алп, мард, жасур, қизларимиз Барчинойдек бир сўзли, ориятли, садоқатли бўлишга интилишади. Болаларимиз, илм, маънавият, маърифатни ўрганишади. Шундай дурдона санъатимизни, ноёб ва гўзал қадриятимизни сақлаб қолиш, уни асраб-авайлаш ва келгуси авлодларга етказиш жуда долзарб вазифа! Шу маънода, Президентимизнинг бу санъатга эътибори, халқаро фестиваль ўтказиш ташаббуси айни муддао бўлди. Бу бахшичилик санъатини халқаро миқёсда кенг тарғиб қилишга қаратилган жуда катта эзгу савий-ҳаракатдир. Ишонамизки, нуфузли санъат байрами ҳадемай дунёга овоза бўлади.

Илҳом ИБРОХИМОВ, Ўзбекистон халқ ҳофизаси:

– Халқаро фестивалга тайёргарлик жараёнида амалга оширилган улкан ишларни Термиз темир йўл вокзалига кириб келишимиз биланок чўқур хис этдик. Вокзал туддан таъмирланиб, янги қиёфада бўй кўрсатганидан қувондик.

Мамлакатимизда кейинги йилларда маданият ва санъатни ривожлантиришга, қадимий санъатимизни дунёга танитишга алоҳида эътибор қаратилаётганидан бошимиз осмонга етмоқда. Ўтган йили давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Шохрисабз шаҳрида Халқаро мақом анжумани ўтказилгани нафақат санъат намояндлари балки, бутун халқимизнинг қалбини қувончга тўлдирган эди.

Термиз шаҳрида бошланаётган Халқаро бахшичилик санъати фестивали соҳага қаратилаётган юксак эътиборнинг яна бир ёрқин намунаси. Қадим-қадимдан аждоқларимиз эъзозлаб келган бахшичилик санъати мураккаб ва ноёб йўналишидир. Хонанда бўлиш осон, лекин бахши бўлиш жуда ҳам мураккаб масала. Чунки хонанда кўшиқни шунчаки ёдлаб айтиши мумкин. Бирок, бахши бўлиш учун одамдан чечанлик, мустаҳкам хотира ва шoirнона истедод талаб этилади. Термизда ҳар икки

йилда бир марта ўтказилиши белгиланган бу фестиваль ана шу жиҳатлари билан ҳам аҳамиятлидир.

Нанда МОНТЕИКО, “The Holland Times” газетаси муҳбири (Нидерландия):

– Ўзбекистонда ўтадиган фестиваллар довуғи дунёга машҳур. “Шарқ тароналари” мусиқа фестивали ва Халқаро мақом санъати анжумани ҳақида мақолалар ёзганман. Бундан ташқари, мусиқа фестиваларида эксперт сифатида иштирок этаман. Шу боис Ўзбекистон элчихонаси Халқаро бахшичилик санъати фестивалига таклиф этганида бажонидил рози бўлдим.

Шарқ халқларининг эпик санъати жуда бой ва ранг-баранг. Ўтган йили Озарбайжонда бўлган фестивалда қатнашиб, Ўзбекистонда санъатнинг ноёб турларини асраб-авайлаш, уни тарғиб этиш, ёш авлодни мумтоз наволарга ҳурмат руҳида тарбиялашга катта эътибор кўрсатилаётгани ҳақида эшитган эдим. Қувонарлиси, юртингизга ташрифим давомиди буларни ўз кўзим билан кўриб, миллий санъатингиз дурдоналаридан баҳраманд бўлам!

Абдуназар ПОЁНОВ, Ўзбекистон халқ бахшиаси:

– Сўнги йилларда давлатимиз раҳбари томонидан миллий қадриятларимизни асраб-авайлаб, уни келгуси авлодларга етказишга юксак даражада аҳамият қаратилаётгани биз, бахшиларни ҳам беҳад қувонтириб, жўшқинлик, шижоат, қанот бағишлайпти.

Халқаро бахшичилик санъати фестивалида “Алпомиш” дostonини қуйламоқчиман. Ушбу дoston Шеробод – Сурхон бахшичилик аъёналарининг ўзига хос жиҳатларини қамраб олган. Шунини мамнуният билан таъкидлашни истардимки, нафақат миллий кўрик-танловларда, балки Франция, Бельгия, Швейцария, Тайван, Туркия, Озарбайжон, Қозоғистон ва Қирғизистонда ўтказилган турли санъат анжуманларида ҳам қатнашиб, ўзбек халқ оғзаси ижодини дунё саҳналарида тараннум этишга муяссар бўлдим.

Лекин мен учун Термизда ўтказилаётган Халқаро бахшичилик санъати фестивалининг аҳамияти бошқача. Бу шунчаки ижрочилар саҳнага чиқиб, ўз маҳоратини намойиш этадиган анжуман эмас, балки бахшичилик санъатини дунёга кўз-қўз қиладиган, ёш авлод қалбиди унга ҳурмат ва эътибор туйғуларини кучайтиради, турли халқлар ўртасида дўстлик ҳамда биродарлик ришталарини, ижодий ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган катта байрамдир.

Гада КАДДУМИ, Жаҳон хунармандлар кенгаши (WCC)нинг Осиё – Тинч океани минтақаси бўйича президенти:

– Ўзбекистондан олган илк таассуротларим беқиёс. Ўзига хос меҳмондўстлик ва самимиятдан таъсирландим. Ўзбекистондаги “Хунарманд” уюммаси раиси билан бахшичилик санъати, Термиз шаҳрининг тарихи, қолаверса, хунармандчилиги хусусида суҳбатлашдик. Мулоқот асносида кўплаб қизиқарли маълумотларга эга бўлдим.

Халқаро бахшичилик санъати фестивали давомиди хунармандлар кўргазмасининг ўтказилиши ҳам диққатга сазовор. Ушбу тадбир баҳона Кўкон шаҳрида бўладиган Халқаро хунармандчилик фестивали ҳақида ҳам фикр-мулоҳаза алмашамиз. Зеро, ташкилотимизнинг асосий мақсади – хунармандчиликни ривожлантиришга хисса қўшиш, бу соҳани қўлаб-қувватлаш. Кўкон шаҳрида ўтказиладиган хунармандлар кўргазмасида 70 га яқин давлатлардан меҳмонлар келиши қутилмоқда, деб эшитдим. Ушбу фестиваль ҳам Халқаро бахшичилик санъати анжумани каби катта байрамга айланишига ишончим комил.

ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА “ОЛТИН ҚАЛАМ” XIV МИЛЛИЙ МУКОФОТИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

“Олтин қалам” танлови голибларини мукофотлаш, шунингдек, уни ўтказиш билан боғлиқ сарф-ҳаражатлар Ўзбекистон ижодкорларини қўлаб-қувватлаш “Илҳом” жамоат фондидининг молиявий кўмағида амалга оширилади.

Шунингдек, миллий ҳамкорлар ҳамда қатор халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари ва элчихоналари ҳам ўз рағбатлантирувчи мукофотларини таъсис этган (илова қилинади).

Танлов шартлари:
Танловга теле-, радио-, босма материаллар ҳамда Интернет нашрларида эълон қилинган ишлар тақдим этилади (5 тадан кам бўлмаслиги керак).

Телевидение бўйича видеоматериаллар (CD, DVD дискда) 3 дақиқадан 30 дақиқачага бўлиши керак.
Радиозиттиришлар (CD, DVD дискда) 5 дақиқадан 30 дақиқачага бўлиши керак.

Матбуот ва Интернет материаллари асл нусхада ёки қўчирма нусхада тақдим этилиши лозим.

Танловга юборилган материалларга қуйидагилар илова қилиниши лозим:

- муаллиф ҳақида маълумотнома (объективка);
- муаллифнинг турар жойи, уй ва иш телефонлари;
- паспорт нусхаси.

Танлов голибларини тантанали мукофотлаш маросими 2019 йил 3 май – Жаҳон матбуоти эркинлиги куни тантанали равишда ўтказилади.

Мукофот бир шахсга тақдоран берилмайди. Материаллар “Олтин қалам” танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, 3-қават. Телефонлар: (71) 244-64-61, 244-37-87. www.Journalist.uz

Илова
“Олтин қалам” XIV Миллий мукофоти учун халқаро танлов доирасида миллий ҳамкорлар таъсис этган номинациялар:

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши:
“Меҳнат муносабатлари ёритилган энг яхши материал учун”;
“Ижтимоий шериклик мавзуси ёритилган энг яхши материал учун”.

Ўзбекистон Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўлаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди:

“Худудий янгиликларни ўзига хос услубда босма ва интернет нашрларида ёритилган журналист”;
“Интернет тармоғида юртингизнинг иқобий имиджини оширишга қаратилган мақолалар тайёрлаган журналист”;
“Хукуматимиз томонидан коррупцияга қарши курашишда олиб борилаётган ишловларни таҳлилий ёритган журналист”;
“Давлатимиз томонидан кам таъминланган оилалар учун амалга оширилаётган лойиҳалар тўғрисида тайёрланган таҳлилий мақола”.

“Олтин қалам” XIV Миллий мукофоти учун халқаро танлов доирасидаги халқаро тақдирлов номинациялари

1. ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси:
1. “Журналистнинг ахборот олиш имкониятлари масалалари”;
2. “Журналистларнинг профессионал фаолияти ҳимояси учун”.

2. Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги делегацияси:

1. “Ўзбекистоннинг “ташқи” савдо сиёсати ривожига тўғрисида”ги энг яхши материал учун.
2. “Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик ёритилган энг яхши фото ёки видеосўбат (блог, видеофильм ёки бошқа визуал маҳсулот)” учун.

3. Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори офиси:
“Терроризмга қарши курашда ОАВнинг роли”

4. Америка Қўшма Штатлари элчихонаси:
“Иқтисодий ривожлантиришда Америка – Ўзбекистон муносабатлари ёритилган энг яхши материал учун”.

5. Россия Федерацияси элчихонаси:
Россия ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар ривожига бағишланган энг яхши материал учун.

6. Туркия Республикаси элчихонаси:
1. “Ўзбекистон ва Туркия ўртасида инвестиция лойиҳаларини ривожлантириш масалаларига бағишланган энг яхши материал учун”;
2. “Ўзбекистон ва Туркия ўртасида туризмни ривожлантириш масалаларига бағишланган энг яхши материал учун”;
3. “Туркия ва турк маданияти ҳақидаги энг яхши материал учун”;
4. “Туркия ташқи сиёсати ҳақидаги энг яхши материал учун”.

7. Хитой Халқ Республикаси элчихонаси:
1. “Ўзбек – Хитой икки томонлама ҳамкорлиги тўғрисидаги энг яхши материал учун”;
2. “Бир макон – бир йўл” лойиҳаси доирасидаги ҳамкорлик мавзусига бағишланган энг яхши материал учун.

8. Project HOPE (АҚШ):
1. Босма/Интернет ОАВда сил касаллигига қарши кураш ҳақидаги энг яхши материал учун.
2. Сил касаллигига қарши кураш мавзусига бағишланган энг яхши теле/радио материал учун.
3. Сил касалига мубтало бўлган одамларни камситишга қарши кураш (ёки сил касалига мубтало бўлганларга нисбатан баргиреклиги шакллантириш) мавзусидаги материал учун.

9. “Минтақавий мулоқот” халқаро нодавлат ташкилоти (Словения):
“ОАВда коррупцияга қарши кураш масалалари энг яхши ёритилган материал учун”.

10. DW International (Германия):
“Аҳолининг заиф қатламларини ижтимоий ва психологик қўлаб-қувватлашда фуқаролик жамияти ва ОАВнинг роли” тўғрисидаги материал учун.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Атом энергетикасини ривожлантириш агентлиги ва “Росатом” давлат корпорацияси:
“Ўзбекистоннинг атом энергетикаси мавзуси ёритилган энг яхши материал учун”.

ҚИСҚА САТРАЛДАР

- Тошкент шаҳар ҳокимлигида Сингапур Республикаси вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ва Сингапур ўртасидаги ҳамкорлик истиқболлари кўриб чиқилди ва мамлакатимиз иқтисодий ва маданий аҳамиятга эга лойиҳаларни амалга оширишга оид масалалар юзасидан музокаралар олиб борди.
- Шаҳримизда тезликни ўлмас янги турдаги мобил қурилмалари жорий қилинади.
- Ёнғин хавфсизлиги институтиди соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 683 йиллиги муносабати билан “Амир Темур фахримиз, ифтихоримиз, гуруримиз” мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилди.
- Поштакомпаниясида “Ўзқоспонам” кўргазмалар павильонида “Озқ-овқат саноати – UzFood 2019” 19-халқаро кўргазмаси ташкил қилинди.
- Чилонзор туманида жиноят ишлари бўйича туман судьяларининг “Менинг маҳаллам – менинг судьям” лойиҳаси доирасида аҳоли билан учрашув бўлиб ўтди.

“Мамлакатимизда мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб виждон эркинлигини таъминлаш масаласига устувор аҳамият берилди. Жумладан, муқаддас динимиз, миллий қадриятларимизни, буюк азиз-авлиёларимизнинг хотираси, меросини тиклаш, қадимжоларини обод қилиш бўйича жуда кўп иш қилинди ва қилинмоқда.

Мана шундай савобли ишларни Бухорода Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратларининг қадимжолари бўйича, Тошкентда Имом Термизий номидаги масжид ва Сузук ота мақбараси бўйича бошлаб юборганимиздан сизлар албатта хабардорсиз, деб ўйлайман.

Ушбу масжид ва мақбара маънавиятимизни янада юксалтиришга, юртимизда эзгулик нуруни зиёда этишга хизмат қилиши керак. Бу ерда хунармандлар маркази ва кутубхонаси ташкил этиши лозим”.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Ҳазрат Сузук ота – Шайх Мустафоқул (1130/40-1217) Хожа Аҳмад Яссавий ҳазратларининг суюкли набираси ҳисобланади. Манбаларда қайд этилишича, ул зотнинг қизи **Гавҳари Хуштож (Хуштарий)** ва Туркистоннинг Қорачиқ қишлоғида яшаган халифаси Сулаймон Валининг ўғли Хожа Валининг фарзанди Аҳмад ал-Қорачиқий Шайх (Алихўжа ҳазрат)дан уч ўғил – Ҳазрат Имом Шайх (Омади Шайх), Абдул Вали (Содон Шайх) ва Мустафоқул (Сузук ота) туғилган.

Тарихий манбаларда Сузук отанинг қабри Сайрамда эканига доир маълумотлар мавжуд. Хусусан, **“Сайрам тарихи”** рисоласида куйидаги битиклар қайд этилган: “Бу ерда марқад муборак Ҳазрати Шайх Мустафоқули Хожанинг турбатлари бор. Эшон фарзанди аржуманд Ҳазрати Алихўжа эрдилар, Ҳазрати Султон Хожа Аҳмаднинг қизларидан бўлган набиралари эрдилар. Ёш болалик вақтида боболарнинг назари мубораклари тушиб, муҳаббат билан айтдиларки: “Манинг сузугим, хуш келдингиз!” Шунинг учун мардумлар Сузук ота дейдилар”.

Болалик даври Туркистонда кечган Мустафоқул ўз акаларига нисбатан барвақт камолга етади. Оталари: “Сузуквой, сиз эрта етилдингиз, энди бу диёр сизга торлик қилади. Дин-диёнат, илму ҳикмат ва ҳалол меҳнат қилиб луқма топишни тарғиб қилиш учун ўзга юртларга бориш лозим бўлади”, деб оқ фотиҳа беради. Шу тариқа Мустафоқул бирга илм олган дўстлари, хунарманд усталар ва илм берган шайх устози ҳамроҳлигида Тошкент шаҳри худудидаги экинзор майдонга келиб жойлашади.

Бу ерда усталар дастлаб бир неча тураржой, талабалар учун хужралар ва масжид қуришади. Сўнгра ҳар хил дўкон, қассобхона, новвойхона, сартарошхона қабилардан иборат шинамгина гузар бунёд этишади. Гузар ўртасида ҳовуз қавлаб, ўрдадаги анҳордан сув келтиришади. Ариқ бўйларидан бог-роғ барпо қилишади. Кейинчалик **Сузук ота номи билан аталган ушбу маҳалла ва кўҳна масжид ўтмишда Тошкент шаҳрининг Бешёғоч даҳасига қарашли худудга тегишли бўлган.**

Занги ота билан Сузук ота ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ҳақида сўз борганда, ушбу бешта муҳим омилни алоҳида таъкидлаш лозим:
биринчидан, Занги ота билан Сузук ота-оналари томонидан қариндош – холавача бўлганлар. Манбаларда Хожа Аҳмад Яссавий Занги отага холавача экани қайд этилган. Сузук ота Яссавий ҳазратларининг қизи Гавҳари Хуштожнинг фарзанди экани назарда тутилса, бу икки азиз-авлиёнинг ўзаро қариндошлиги яна бир қарра тасдиғини топади;

иккинчидан, уларнинг ҳар иккиси ҳам маълум бир мuddат Тошкент шаҳрида, ёнма-ён маҳаллаларда яшаганлар. Маълумки, Занги ота Тошкент шаҳрининг Самарқанд дарвоза кўчасидаги Занги ота даҳасида туғилиб-ўсган ва Тошкент вилоятидаги Занги ота қишлоғида умргузаронлик қилган. Сузук ота эса Сайрамда таваллуд топган ва кейинчалик Тошкент шаҳрининг Бешёғоч даҳасига кўчиб келган;

учинчидан, Занги ота билан Сузук ота деярли замондош ҳисобланади. Занги отанинг туғилган йили қўлғезма манбаларда аниқ келтирилмаган бўлса-да, айрим манбаларда Занги ота тахминан 1161 йили туғилган, деган эҳтимол илгари сурилади. Сузук ота эса тахминан 1140 (ёки 1130) йили таваллуд топган.

Демак, Занги ота туғилган пайтда Сузук ота Тошкент худудида яшаётган 20-30 ёш атрофидаги йигит бўлганини тахмин қилиш мумкин. Бинкет (ҳозирги Тошкент) шаҳри 1220 йили мўғуллар томонидан вайрон қилинган, шаҳар вайрончалари яқинида жойлашган Ҳисортепа қалъаси худудида Занги ота томони-

дан илк қишлоққа асос солинган. Бу вақтда Сузук ота оламдан ўтган бўлиб чиқади, чунки у зотнинг вафот санаси 1217 йилдир.

Модомики, **ушбу икки азиз-авлиё бир макон ва бир замонда яшаган экан, улар учрашганлар ва ўзаро мулоқотда бўлганлар, деган фаразни илгари суриш ҳам мумкин.** Гарчи бу фикрни тасдиқлайдиган тарихий далилларга ҳозирча эга бўлмасак ҳам, юқоридаги воқелик худди шуни тақозо этади, назаримизда.

тўртинчидан, Занги ота ҳам, Сузук ота ҳам Яссавия тариқати силсиласида алоҳида ўрин тутганлар.

Занги отанинг бутун умри Мовароуннахр халқлари ҳаётининг оғир ва даҳшатли даврида кечган. Мўғул истилочилари мамлакатни хонавайрон қилиб, халқ оммасини қуллик исканжасига солган бир пайтда Занги ота ва унинг издошлари халқ орасида ватанпарварлик ва меҳнатсеварлик, адлу инсоф, поклик ва яхшилик, меҳр-шафқат ва художўйлик каби умуминсоний гоғларни тарғиб қилган. Занги ота ҳам табиб, ҳам авлиё сифатида эл-юрт ўртасида катта обрўга эга бўлган.

мас дўст бўламиз, дея аҳд қилишган. Улар Узун Ҳасан ота ва Саййид ота билан бирга Тошкентга қайтишадганда, Қовунчи қишлоғида Занги отага дуч келишган, у зотдан таълим-тарбия олишган. Натижада Занги отанинг тўрт нафар забардаст халифаларига айланганлар. Яссавия сулоласи, айниқса, Занги отанинг икки муриди Саййид ота ҳамда Садр ота билан изчил давом этган.

Садр ота Тошкент атрофларида даъват билан шуғулланган. Манбаларга қараганда, Садр ота Тошкентдан 24 км. узоқликда жойлашган Ўртасарой мавзесида дафн этилган.

Бадр отанинг қабри қаерда жойлашгани хусусида эса бири-бирига зид маълумотлар мавжуд. Айрим муаллифлар фикрича, Бадр ота Тошкент шаҳрининг жанубий чеккасидаги Қўйлик мавзесида дафн этилган. Бошқа баъзи тарихий манбаларда эса Бадр ота Миёнкўл ўлкасидаги Фарофин қишлоғида дафн этилган, деган маълумот учрайди.

Хусусан, XVII асрда яшаган хоразми муаллиф Мухаммад Тоҳир ибн Мухаммад Таййиб ўзининг **“Тазкирайи Тоҳир эшон”** қўлғезма асарида шундай ёзган: “Бадр ота ҳазрати олийлари Зан-

Буюк аждодларимизнинг мероси

СУЗУК ОТА

Ўз навбатида, Сузук ота узоқ-яқиндан шифо истаб ёки бирон-бир истақ, илтимос ва ҳожат талабиди келганларга ёрдам берган. Саёҳатга чиқувчиларга бехатар сафар, тижоратчиларнинг савдосига барака ва ривож тилаган. Сузук ота нафақат ўзи яшаган маҳалла, балки қўшни Мирлар, Чуқуркўприк, Ўқчи, Кумирчи каби маҳаллаларда ҳам хунармандчиликка асос солган. Болаларнинг ахлоқ-одоби ва тарбиясига катта аҳамият бериб, илм олаётган талабаларнинг бирор касб-хунар билан шуғулланишини қатъий талаб қилган. Юзлаб шогирдларга илм бериб, хунарга, ҳалол меҳнатга ўргатган;

бешинчидан, Яссавия тариқати силсиласига мансуб Бадр ота билан Садр ота дастлабки илмини Сузук отадан олган, сўнгра Бухородаги мадрасада ўқиган, шундан кейин Занги отага халифа бўлган.

Асқар Обидов ўзининг “Хўжа Аҳмад Яссавий ва Сузук ота” номли рисоласида бу ҳақда шундай ривоятни келтиради: ёз чилласида Бухородаги мадрасаларда илм олаётган бир гуруҳ талабалар ва уларнинг устозлари Сузук отани зиёрат қилиш ва суҳбат қиришни ният қилиб, ўнлаб туяларнинг хуржунига совға-салом ва китобларни жойлаб, у зотнинг маҳалласига етиб келади. Улар бир неча кун бу ерда меҳмон бўлган, йўл тадоригига тушади.

Сузук ота айрим талабаларни Бухоро мадрасаларида тахсил олиши учун меҳмонларга қўшиб жўнатади. Шу талабалар орасида қўшни Мирлар маҳалласида яшайдиган Садр ота (Садриддин Мухаммад) ва Бадиروي маҳалласида яшовчи Бадр ота (Бадриддин Мухаммад) бўлган.

Рисола муаллифи Асқар ҳожи ота Обидов Садр ота билан Бадр отанинг яшаган жойлари ҳақида келтирган маълумот гоғтада муҳимдир. Бинобарин, у киши Садр ота билан Бадр отанинг айнан Тошкент шаҳридан – Садр ота Мирлар маҳалласидан, Бадр ота эса Бадиروي маҳалласидан эканини баён этган. Биз ҳозиргача бу фикрни тасдиқлайдиган ёки инкор этадиган бошқа бир ёзма манбага дуч келмадик.

Садр ота билан Бадр ота Бухородаги мадрасаларда ўқини тугатиб, бир неча йил бирга хужрада яшаб, ажрал-

ги отанинг тўртинчи халифасидир. Ул зотнинг эъозланчи келадиган мазори Миёнкўл (Миёнкўл) мавзесининг Фарофин қишлоғида жойлашган. Каминайи камтарини қул (муаллиф) Мухаммад Тоҳир Бадр ота мазорини зиёрат айлади. Қорача қишлоғи хўжалари ул зотнинг авлодлари саналади”.

Агар диққат билан қаралса, Миёнкўл ўлкасининг Фарофин қишлоғи – ҳозирги Навоий вилоятининг Хатирчи туманидаги Қорача қишлоғи экани ойдинлашади. Бу ерда, ҳақиқатан ҳам, Бадр ота жоме масжиди ва Бадр ота мақбараси бор. Зиёратгоҳни маҳаллий аҳоли азалдан эъозлаб келади.

Мақбарадаги қабртош тўққиз қатор эпитафия – марсия билан хошияланган, унча катта бўлмаган нақшкор стелла – тош ҳайкалчандан иборатдир. XIX асрда ўрнатилган ушбу қабртошда куйидаги ёзувлар битилган: **“Бу қабр – (Садр) отанинг гуноҳлари кечирилган ва раҳм қилинган тариқат султони, ҳақиқат хужжати, пок зоти (сўфийлар) маддақори, авлиёлар кутби, Али ал-Муртазо сулоласининг суянчиги, вараъ соҳиблари (парҳезкорлар)нинг қаймоғи, уламоларнинг намунаси Ҳазрати Мавлоно Бадриддин Мухаммадники. Ул зот Бадр ота номи билан машхур бўлиб, Шайх Махмуд отанинг олим ва тўғри йўл кўрсатадиган фарзанди. Аллоҳ у иккаласининг қабрини мунаввар айласин. Вафотлари олти юз саксон биринчи йил (1282-83) эди”.**

Мазкур марсия хати – “муллали” усулига тақлидан битилган маҳоратли настиқликда бехато ёзилган бўлиб, зеру забири ҳам мунтазам қўйилган. Аммо, давр ўтиши билан қабртош иккига бўлинган, қуббасига ҳам дарз кетган. Бундан 40 йил илгари, қабртошнинг қуйи қисмида ёзиб қолдирилишича, 1979 йил 6 майда номаълум зиёратчи икхосмандлар ножиоз ишга қўл уриб, қабртош матни ва нақшларини яшил рангга бўяб кетишган.

Сузук отанинг яна бир машхур халифаси – қўшни маҳаллада яшаган Чўпон отадир. У зот Сузук отадан илм ўрганган, устозининг оқ фотиҳаси билан Самарқанддаги Чўпонота тепалигида қарийб йигирма йил фаолият кўрсатган. Кейин Тошкентга қайтиб, шаҳар че-

тидаги ҳозирги Чўпонота мавзесида ташландиқ ерларга сув чиқариб, богроғлар барпо қилган. Салкам бир аср яшаган Чўпон ота бутун умр одамлар қалбига эзгулик уругини қадаган.

Тарихий манбаларда ёзилишича, Амир Темур Сузук ота қабри устида мақбара ва масжид бунёд эттирган. Ҳозирги кунда Тошкент шаҳрининг Шайхонтохур туманидаги Сузук ота маҳалласида қад ростлаб турган **Сузук ота мақбараси XVI асрга мансуб эски иморат ўрнида XIX асрда тикланган.** Мақбара ичкарисида бешта дахма – сағана мавжуд бўлиб, уларни Яссавия тариқатига мансуб шайхларга тегишли деб тахмин қилиш мумкин.

Кейинчалик Сайрам яқинида дафн этилган Сузук ота – Шайх Мустафоқул ҳазратларининг Тошкентдаги қадимжоси теварағида турли бинолар тикланиб, яхлит меъморий мажмуа вужудга келган. Замонлар ўтиши билан Сузук ота мақбараси теварағидаги қабристон ҳам кенгайверган. **XIX асрда мақбара ёнбошида зиёратхона масжиди барпо этилган, атакроқда эса XVIII-XIX асрларда маҳалла масжиди, таҳоратхона ва дарвозахона қурилган.**

Ушбу ноёб тарихий-меъморий обидадан эл 1936 йилгача фойдаланиб келган. Шундан кейин мустақилликкача бўлган давр мобайнида бу ерда турли корхоналар цехлари фаолият юритган. Оқибатда тарихий обида ўзининг ноёб ва нафис қиёфасини йўқотиб, харобага айланган.

Истиқлол шарофати билан масжид биносидан корхоналар кўчириб юборилди ва масжидни тиклаш-таъмирлаш ишларига киришилди. 1998 йили масжиднинг хонақоҳ қисми таъмирланиб, расман фаолият юрита бошлади. 2010 йилда ҳам маҳалла фуқаролари ва хомийлар кўмағида масжид худудида ободонлаштириш ва реконструкция ишлари бажарилган.

Шунга қарамай, ушбу табаррук зиёратгоҳ пойтахтимизнинг кўҳна бир маҳалласида эътибордан четда қолиб келадиган эди. Гапнинг очиги, шу пайтгача Тошкент шаҳрининг Шайхонтохур туманидаги Сузук ота маҳалласини ҳам, бу ердаги Сузук ота меъморий мажмуасини ҳам эски шаҳарда яшайдиган айрим кишилар ҳамда соҳа мутахассисларигина биларди, холос.


Бугун давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бу кутлуг даргоҳда Сузук отанинг кўркам зиёратгоҳи барпо этилди. Қисқа фурсатда масжид атрофига қўшимча айвонлар қурилди. Унинг хонақоҳи 2 минг кишига мўлжалланган. Мўмин-муслимлар ибодат қилиши учун барча шарт-шароитлар яратилди. Йўлларга асфальт ётқизиблиб, автомобиль тураргоҳи тайёрланди. Мақбара ва масжид атрофи ободонлаштирилди. Зиёратгоҳ хузурида кутубхона ташкил этилди.

Бундан ташқари, 30 та хунармандлар уйи ва улар учун устaxonалар бунёд этилди. Бу ерда шундай катта салоҳиятга эга хунармандлар маркази ташкил этилиши кўп йиллар давомида “Усталар” номи билан аталган, Сузук отанинг вафотидан кейин у зотнинг номи берилган маҳаллада орадан 890 йил ўтганидан сўнг ҳам уста-хунармандлар фаолиятини ривожлантириш анъанаси изчил давом эттириладиганини англатади.

Сузук ота жоме масжиди имом-хатиби Аюбхон Сўфиевнинг айтишича, Туркияда ушбу табаррук зотнинг муридлари яшайди. Эндиликда Сузук отанинг пойтахтимиздаги қадимжосига нафақат Туркия, балки бутун дунёдан зиёратчилар келмоқда. Бу, ўз навбатида, яна бир улуг аждодимизнинг табаррук номи дунёга таралганидан далolatдир.

Шундай қилиб, истиқлол йилларида мамлакатимизда виждон эркинлиги, диний бағрикенглик тамойилларини таъминлаш, уларнинг қонуний асосларини яратиш ва ривожлантириш масалаларига устувор аҳамият берилмоқда. Имон-эътиқод, меҳр-оқибат, муруват каби фазилатлар халқимиз маънавий ҳаётини юксалтиришда муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда. Бинобарин, ўзининг бул тарихи ва маънавий меросини авайлаб-асраган, чуқур ўрганган миллатнинг пойдевори мустаҳкам, келажаги ёруғ ва бардавом бўлади.

Акмал САИДОВ,
академик



ҲИКМАТЛАР ҲАЗИНАСИ

Яхши ишга ундар дўстинг ҳар онда, Ёрдам берар ташвиш еткан замонда!

* * *

Душман сўзларига ишонса киши, Пушаймон тортишдир оқибат иши.

Хожа Самандар Термизий

* * *

Адоват тигини кўтарган киши, Адоват тигида бўлади ҳалок.

* * *

Устод муаллимсиз қолса гар замон, Нодонликдан қора бўларди жаҳон.

Абдурахмон Жомий

* * *

Ақл ила олам юзин обод қил, Хулқ ила олам элини шод қил.

* * *

Айтур сўзни айт, айтмас сўздан қайт.

* * *

Билмагани сўраб ўрганган олим, Орлиниб сўрамаган ўзига золим.

* * *

Бошин фидо айла ато қошига, Жисмини қил сақта ано бошига!

Алишер Навоий

* * *

Ёмон ё яхшилик қилғай ҳар киши, Шу ёмон яхшини топмоқдир иши.

Абу Али ибн Сино

* * *

Кўпдир душман агар битта бўлса ҳам, Дўстинг мингта бўлса, жуда камдир, кам.

* * *

Одамлар ақлининг чироғи билим, Балодан сақланиш яроғи билим.

Рудакий

* * *

Агар бўлсанг нодон улфатга ҳамдам, Нодон қаторига қўшилдинг ўзинг ҳам.

* * *

Кимки бефойда умрин ўтказди, Ҳеч нарса олмасдан олтин кетказди.

Саъдий Шерозий

* * *

Аҳил бўлса олов ичра ҳам инсон, Аҳил кишиларга олов ҳам осон.

* * *

Бир ғариб кўнглини қила олсанг шод, Яхшидур ер юзин қилгандан обод.

Умар Хайём

* * *

Икки дўст тураркан елкама-елка, Тоғларни осон ҳам айлайди тилка.

* * *

Ким тиг кўтарса биров жонига, Замон ташна бўлур унинг қонига.

Фирдавсий

* * *

Агар илмдан кийган эрса тож, Ул бош осмондан ундиради бож.

* * *

Бирга бўлса шодликда-ғамда, Фақат шунни дўст тут оламда.

Хусрав Дехлавий

ГОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Ўзбекистон Савдо-саноат палатасида Ўзбекистон Республикаси “Хунарманд” уюшмаси томонидан жорий йилнинг сентябрь ойида Қўқон шаҳрида ўтказиладиган Халқаро хунармандчилик фестивали логотипини яратиш бўйича иккунинг танлов голибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Тақдирлаш маросимида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, “Хунарманд” уюшмаси, Ўзбекистон Бадий академияси, Туризмни ривожлантириш бўйича давлат қўмитаси ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда мамлакатимизда миллий хунармандчиликни янада ривожлантириш, хунармандларга имтиёзли кредитлар бериш, махсулотларини экспорт қилишларида кўмаклашиш, туман ва шаҳарларда хунармандчиликни ривожлантириш марказларини яратишга катта эътибор қаратишмоқда.

Бу борада давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 17 ноябрдаги “Хунармандчиликни янада ривожлантириш ва хунармандларни тартиб-аъди қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки илгари юртимизда 9 минг 823 нафар фуқаро хунарманд сифатида рўйхатдан ўтган бўлса, Фармон асосида яратилган шарт-шароитлар, имтиёз ва қулайликлар натижасида уларнинг сони 27 минг 274 нафарга етди.

“Хунарманд” уюшмаси фаолияти ҳам қайтадан кўриб чиқилди ва жорий йилнинг март ойидан бошлаб уюшма Бутунжаҳон хунармандлар кенгашининг тўлиқ аъзосига айланди.

– Халқаро хунармандчилик фестивали логотипини яратиш бўйича иккунинг танлов эълон қилинган эди. – дейди “Хунарманд” уюшмаси раиси Улугбек Абдуллаев. – Унда мамлакатимизнинг барча худудларидан профессионал реклама компанияларини, агентликлар, хунарманд расмолар, иккунинг талаба-ёшлар фаол иштирок этди. Тақдим қилинган лойиҳалар сони чегараланмади. 145 нафар муаллиф-

нинг 202 та лойиҳаси ҳакамлар томонидан кўриб чиқилди ва 3 нафари голиб деб топилди.

Танлов доирасида ҳакамлар ҳайъати аъзолари расмий эътиборини логотипида тасвирланган фестивалнинг рамзий хусусиятлари, ноёб бадий ечимлари гоғасига алоҳида эътибор қаратдилар.

Биринчи ўринга Бахтиёр Эшматов, иккинчи ўринга Жасур Файратов ва учинчи ўринга Камолхон Расулов сазовор бўлди.

– Мен бугун жуда ҳам хурсандман, – дейди биринчи ўринга сазовор бўлган 22 ёшли Бахтиёр Эшматов. – Илгари ҳам бир қанча кўрик-танловларда голибликни кўлга киритганман. Лекин халқаро микёсдаги фестивалнинг логотипини яратишда биринчи ўринга муносиб деб топилганини қалбимда фахр ва ифтихор туйғуларини уйғотди...

Дарҳақиқат, ҳар қандай муваффақият ва ютуқ ортида билим, меҳнат, изланиш ва ўрганишлар муҳассамдир. Зеро, ўз устида мутассил ишлаб, голибликка сазовор бўлаётган ёшларимиз келажагимизнинг нури эртасидан далolatдир.

Халқаро хунармандчилик фестивали логотипининг ўзбекча рамзаларда яратилишининг ўзи эса тарих зарурачлигига ёзиб қолдирадиган қ

ЎЗАРО ҲАМЖИҲАТЛИК ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНИ

"Нуроний" жамғармаси Тошкент шаҳар бўлимида "Жаҳолатга қарши фақат маърифат: миллий тотувликнинг гарови" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Унда 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисиغا Мурожаатномасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича сўз юритилди.

Тадбирда "Нуроний" жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Тошкент шаҳар Кенгаши мутасаддилари, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи шаҳар Кенгаши ва Халқаро Ислом академияси вакиллари, Темурбеклар мактаби ўқувчилари ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этди.

Йўналишнинг Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Ш.Турдиқулов кириш сўзи билан очиб берди. Ундан сўнг сўз "Нуроний" жамғармаси Тошкент шаҳар Кенгаши раиси Р.Калановга берилди. Тадбир эл-юрт ўртасида узоқ йиллар фидокорона меҳнат қилган 7 нафар аёл "Меҳнат фахрийси" кўкрак нишони билан тақдирлаш маросими билан бошланди. Фарида Абдурахимова ва Бўритош Шодиева – 1-даражали, Вазира Собирова ва Зухра Бердиева – 2-даражали, Саодат Тўрабекова, Ирина Гусева, Машхура Аҳмедова – 3-даражали кўкрак нишони билан тантанали тақдирландилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисиغا Мурожаатномасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитасининг етакчи мутахассиси, техника фанлари доктори, профессор Неъматжон Полвонов ва Ўзбекистон Республикаси Халқаро Ислом академиясининг катта ўқитувчиси, доцент Саидабзал Саиджалоовларнинг маърузалари тингланди.

Тадбир давомида турли ташкилот вакиллари ҳам мавзу юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтишди.

Давра суҳбатида пойтахтда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган тизимли ишлар, бугунги ёшлар тарбияси, ахлоқи ҳақида сўз борди. Ёшлар иттифоқининг вакиллари доимо нуронийлар ишига камарбаста бўлишлари алоҳида таъкидланди.

Зиёда РАСУЛОВА



Хабарлар

ИСТЕЪМОЛЧИ КУТУБХОНАЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛМОҚДА

Президентимизнинг 2017 йил 13 сентябрдаги "Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб муталааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги қарори асосида Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси томонидан худудларда "Истеъмолчи кутубхоналари" ташкил этилмоқда.

Маълумот ўрнида айтиш кераки мазкур кутубхона ва китоб савдоси дўконлари, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва истеъмолчилик муносабатларини тартибга солувчи норматив ҳужжатлар, сиёсий-иқтисодий қўлланмалар, маърифий, бади-

ий, илмий оммабоп китоблар, маҳаллий газета-журналлар билан таъминланади. Бундан ташқари, "Истеъмолчи кутубхоналари"да замонавий Book safe, бепул Wi-Fi тизими, интернет орқали зарур адабиётларни топиш ва харид қилиш имконини берувчи e-Reader электрон ўқув қурilmалари билан таъминланиши режалаштирилган.

"КАРЬЕРА КУНИ" ЯРМАРКАСИ ЎТКАЗИЛДИ

Яқинда Тошкент давлат аграр университетда 150 дан ортиқ корхона, ташкилот, муассаса ва фермер хўжалиқларининг масъул ходимлари иштирокида "Карьера куни" ярмаркаси ўтказилди.

Университетда 2018-2019 ўқув йилида 17 та бакалаврият таълим йўналишлари бўйича 1333 нафар, 23 та магистратура мутахассислиги бўйича 135 нафар, жами 1468 нафар битирувчи ўқишни тамомлайди.

Ярмаркадан кўзланган асосий мақсад битирувчиларнинг ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлаштириш ҳамда иқтидорли ва қобилиятли битирувчи ёшларни касбий ва илмий-тадқиқот ишларига кенг жалб этишдан иборат. Шу билан бирга уларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароит яратиш,

юқори малакали мутахассис ва илмий-педагог ходимлар бўлиб этиштирилиши амалий ёрдам беришга қаратилди.

Тадбирда битирувчиларни бугунги кун талабига жавоб берадиган кадрлар қилиб тайёрлашда кенг қўлланма ишлар амалга оширилаётганлиги, уларни сифатли таълим олиши учун мамлакатимизда яратилаётган шарт-шароитлар, малакавий амалиётни самарали ташкил этиш механизмининг тубдан такомиллаштирилаётганлиги, шунингдек, келажақда иш жойларига тез кўникишларига амалий ёрдам бериши, ёш мутахассисларнинг касбий билим ва тажриба тўплашларида соҳанинг етук мутахассиси билан ҳамкорликда ишлаб устоз-шогирд тизимини кенг йўлга қўйиш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Шахмат оламида

Ишқибозлик

Эркин Воҳидов фақат шоирлиги билангина эмас, шахматга ишқибозлиги билан ҳам машҳур. Ўзбекистоннинг Чорвоқдаги дала ховлисида ўтказиладиган анъанавий шахмат мусобақасида кетма-кет икки марта биринчи ўринни олган. Шоирнинг яқин жўраларидан бири, хаваскор шоир ва моҳир шифокор Иброҳим Мусаевнинг (Аллоҳ ўз раҳматиға олган бўлсин) ҳикоя қилишича, кунлардан бир кун водийдан Эркин ақанинг муҳлислари келиб, шоирнинг суҳбатидан баҳраманд бўлиш учун чойхонада қўлбола палов қилишди. Шоирни бошлаб келиш, табиий, Иброҳим акага топширилади. Эркин ака илтимосини ашитган, ўта муҳим ишлари борлигини айтиб, уэр сўрайди.

— Меҳмонлар узоқдан, атай сизни деб келишган, доқал беш дақиқага бориб, салом-алик қилиб қўйинг ҳеч бўлмаса, — дея Иброҳим ака илтимос қилди.

Шоир ноилоҳ йўлга чиқади. Чойхонада меҳмонлар билан кўришиб, хол-аҳвол сўрашган, уэр айтиб, кетмоқда чоғланётганда шундоқ кўрпачанинг бир четиди сочилиб ётган шахмат доналарига қўзи тушиб қолади.

— Ие, шахмат бор экан-ку! — дейди шоир жонланиб. — Ха энди, ўзимизча эрмак қилиб ўтирувдик-да, — дейди меҳмонлардан бири ийманибгина. — Қани, биз ҳам бир эрмак қилайлик-чи, — дейди шоир шахмат доналарини аста олдига суриб.

Рақиб ҳам тайёр экан, жанг қизиқ кетади. Шу ўтиришганча беш дақиқа эмас, беш соатдан зиёд вақтнинг қандай ўтиб кетгани сезилмайди. Оқшом чўкиб, чироқ ёқилади. Уйига кетолмаётган чойхоначи бевозталанади. Шоирнинг зарур иши ҳам аллақачон эсидан чиқиб кетади. Ишқибозлик шу даражада эди-да!

...Эркин ака ана ўша кадрдони Иброҳим ақанинг шахмат ўйнашини билмас экан, ногоҳ бир куни ўзаро дونا суриб қолишди-ю ютқазиб қўйди. Табиатан ўта назокатли, олийҳиммат бўлган Иброҳим ака узоқ вақтгача Эркин ақанинг қўзига кўриномлай юради. Ахийри бир куни телефонда гаплашиб қолишди.

— Иброҳимжон, нега кўринмайси? — деб сўрайди шоир. — Ха энди, ўша оламшумул воқеадан кейин... хижолатдам-дан-да, — Иброҳим ака тавдор жавоб қилади. — Ўтмас пичоқ қўл кесар деб шунини айтдилар-да! — дейди аламзада шоир. Иқовлон самимий мириқиб қўлишди.

Чемпионга ўргатади

Рустам Қосимжонов шахмат бўйича жаҳон чемпиони деган шарафли унвонни қўлга киритганда юртимизда чинакам байрам бўлади. Бу нуфузли унвон ўзи Ватани — Шарққа (шахмат Шарқда кашф этилган!) қайтарилади. Бу оламшумул галабага бағишлаб юртга ош тортилади. Рустам ўша мусобақа ҳақида мароқ билан сўзлаб беради. Шунда устоз Озод Шарофиддинов қўллаганда чемпионга илдоқ қилиб қолади.

— Топлов билан ўйнаётганимда жуда зўр комбинация бор эди-ку! Нега шундай имкониятдан фойдаланмаднинг? — Мен бунда ютуқни кўрмадим, — дейди Рустам тортинибгина.

Фаройиб суҳбатга қулимсираб қулоқ солиб турган Эркин ака шундай лўф қилади: — Озод ака! Рустам ҳали ёш, келажаги олдинда. У сиз билган шахматни қайқанд билсин? Энди ўзингиз ўргатадиз-да! ШОДНОМ ОТАБЕК

Билиб қўйган яхши

Кўкатлар — саломатлик кўриқчилари

Бозорларимиз расталарида нафақат пишиқчилик пайтида, ҳатто қишда ҳам топилмайдиган ноз-неъмат йўқ.

Айниқса, кўкатларни барча фаслда ҳам севиб истеъмол қиламиз. Биз истеъмол қиладиган кўкатларнинг турлари кўп. Шунингдек, уларнинг ҳар бири ўзига хос фойдали хусусиятларга эга. Мисол учун, кўк пиез ўзида кўп микдорда азот моддалари, қанд ва витаминларни сақлайди. Унда эфир мойи, аскорбин кислотаси, А, В1, В2 каби витаминларининг борлиги иштаҳани очиб, қўзни равшан қилади. Кашини ва шивит энг кўп истеъмол қилинадиган кўкатлар сирасига киради. Улардаги органик кислоталар, витаминлар, аскорбин кислотаси суюқ овқатлар ва ғўшти таомларни хуштаём қилади. Ибн Сино кашини уруғини тиббиётда ошқозон-ичак, бош оғриги касалликларида даво сифатида қўлланган ва ел хайдовчи восита тарзида ишлатган. Шунингдек, у жигар ва ўт копи хасталиқларида ўт хайдовчи, яралар битишини тезлатувчи, балғам кўчирувчи, гижжаларни туширувчи хусусиятларга эгаллиги учун шифобахшир.

Шивит баргларида эса витамин С, А, В, В2, РР, каротин, флавоноидлар, минерал тузлар мавжуд бўлиб, ундан тайёрланган дамламалар ҳазмини енгилаштирилади, иштаҳани яхшилаб, қорин дам бўлишидан сақлайди. Шивит пешоб хайдаш ва она сутини кўпайтириш, модда алмашинув жараёнини яхшилаш, суюқ тўқималарини мустаҳкамлаш, қонни қисорлод билан бойитиш хусусиятига эга. У қулоқ оғриғига фойда қилади. Бундан ташқари, кашини ва шивит шивит уруғларидан эфир мойи олинадиган ва ундан косметик воситалар ишлаб чиқариш ва совун пишириш сонаотида ишлатилади.

Ховлисида райхон экилмаган ўзбек хонадонни кам бўлса керак. Чўнки у нафақат хушбўйлиги билан, балки дармондориларга бойлиги билан ҳам қимматли ҳисобланади. Райхон барглари дамламаси гастрит, колит, кўк йўталга қарши восита сифатида, невроз ва бош оғриғида, бронхит астмада, ичак ва жигар билан боғлиқ касалликларда фойда қилади. Шунингдек, қорин дам бўлиши, қон босими пасайганда, бўйрак ва ховуқ шамоллашини даволашда кенг қўлланилади. Тумов, ангина ва стоматитда райхон барглари дамламаси билан оғиз гарғара қилиб чайилади.

Умуман кўкатлар халқимиз дастурхонини янада тўкин қилиш билан бирга саломатликнинг ҳақиқий посбони десак, муболага эмас. Шу боис, улар ҳар доим салат ва овқатлар билан бирга истеъмол қилинса, фойдадан холи бўлмайди.

Умуман кўкатлар халқимиз дастурхонини янада тўкин қилиш билан бирга саломатликнинг ҳақиқий посбони десак, муболага эмас. Шу боис, улар ҳар доим салат ва овқатлар билан бирга истеъмол қилинса, фойдадан холи бўлмайди.

Умуман кўкатлар халқимиз дастурхонини янада тўкин қилиш билан бирга саломатликнинг ҳақиқий посбони десак, муболага эмас. Шу боис, улар ҳар доим салат ва овқатлар билан бирга истеъмол қилинса, фойдадан холи бўлмайди.

Умуман кўкатлар халқимиз дастурхонини янада тўкин қилиш билан бирга саломатликнинг ҳақиқий посбони десак, муболага эмас. Шу боис, улар ҳар доим салат ва овқатлар билан бирга истеъмол қилинса, фойдадан холи бўлмайди.

Умуман кўкатлар халқимиз дастурхонини янада тўкин қилиш билан бирга саломатликнинг ҳақиқий посбони десак, муболага эмас. Шу боис, улар ҳар доим салат ва овқатлар билан бирга истеъмол қилинса, фойдадан холи бўлмайди.

Умуман кўкатлар халқимиз дастурхонини янада тўкин қилиш билан бирга саломатликнинг ҳақиқий посбони десак, муболага эмас. Шу боис, улар ҳар доим салат ва овқатлар билан бирга истеъмол қилинса, фойдадан холи бўлмайди.

Умуман кўкатлар халқимиз дастурхонини янада тўкин қилиш билан бирга саломатликнинг ҳақиқий посбони десак, муболага эмас. Шу боис, улар ҳар доим салат ва овқатлар билан бирга истеъмол қилинса, фойдадан холи бўлмайди.

Умуман кўкатлар халқимиз дастурхонини янада тўкин қилиш билан бирга саломатликнинг ҳақиқий посбони десак, муболага эмас. Шу боис, улар ҳар доим салат ва овқатлар билан бирга истеъмол қилинса, фойдадан холи бўлмайди.

Умуман кўкатлар халқимиз дастурхонини янада тўкин қилиш билан бирга саломатликнинг ҳақиқий посбони десак, муболага эмас. Шу боис, улар ҳар доим салат ва овқатлар билан бирга истеъмол қилинса, фойдадан холи бўлмайди.

Умуман кўкатлар халқимиз дастурхонини янада тўкин қилиш билан бирга саломатликнинг ҳақиқий посбони десак, муболага эмас. Шу боис, улар ҳар доим салат ва овқатлар билан бирга истеъмол қилинса, фойдадан холи бўлмайди.

Умуман кўкатлар халқимиз дастурхонини янада тўкин қилиш билан бирга саломатликнинг ҳақиқий посбони десак, муболага эмас. Шу боис, улар ҳар доим салат ва овқатлар билан бирга истеъмол қилинса, фойдадан холи бўлмайди.

Умуман кўкатлар халқимиз дастурхонини янада тўкин қилиш билан бирга саломатликнинг ҳақиқий посбони десак, муболага эмас. Шу боис, улар ҳар доим салат ва овқатлар билан бирга истеъмол қилинса, фойдадан холи бўлмайди.

Криптограмма

Ушбу криптограммани тўғри ҳал қилсангиз буюқ бобкалонимиз Амир Темурнинг ишбилармонлик ҳақидаги доно ўғитларидан бирини билиб оласиз.


- Очқич сўзлар: 1. Билим ва бой тажрибага эга ишбилармон – 12, 5, 25, 10, 19, 2, 3, 23, 2.
- 2. Хатти-ҳаракати ёқимли, хуштабиат – 22, 17, 6, 12, 5, 1, 10.
- 3. Устига фойда қўйиладиган қарз – 16, 5, 2, 14-21, 5, 7, 5, 18.
- 4. Менделеев даврий жадвалининг III гуруҳига

мансуб кимёвий элемент, кулранг нодир металл – 20, 5, 8, 8, 19, 24.

5. Гумашта, савдо фирмаси молларини фирма намуналари ва рўйхати бўйича ўтказиш мақсадида харидорларни жалб этувчи – 3, 23, 13, 13, 19, 15, 23, 11, 9, 4, 2.

Сўзларни топиб бўлгандан сўнг белгиланган ҳарфлар билан алмаштирсангиз мақсадга эришасиз.

Тузувчи Шавкат ҲИДОЯТОВ



Хандалар

БОЛАНИНГ ТИЛИ ШИРИН

— Дада, ўзингизни қандай хис қиляпсиз?
— Итдек чарчаганман, ўғлим. Қўл-оёғимни ҳам қимирлатишга мажолим йўқ.

— Ундай бўлса сизга қундалик дафтаримни кўрсатиб олай.

Беш яшар Акбар жиринглаган телефонни кўтарди:
— Алё?
— Отангни ёки онангни чақириб юбор.
— Улар уйда йўқ.
— Уйда ким бор?
— Синглим бор?
— Чақириб бер уни?
Орадан бироз вақт ўтгач болакай яна телефонни олди:
— Синглим жуда оғир экан, қолясқадан кўтаролмапман.

Ўқитувчи синф хонасига кириб, навбатчидан сўради:
— Нега Тулан яна дарсада йўқ?
— Бунинг сабаби бор. Бу ҳақда у сизга хат ёзиб қолдирди. Мана, ўқиб кўринг.

Ўқитувчи қозғони олиб ўқийди: "Менинг бошим оғрийпти ва душанбагача оғрийпти".

— Қани Шавкат, "Отан мажлисида қолди" деган гапни таҳлил қил-чи, — деди она тили ўқитувчиси.

— "Отан" — гапнинг эгаси, "қолди" — кесими, "мажлисида" — бу баҳона!..

Муаллим ўқувчидан сўрапти:
— Бир сутка неча соатдан иборат?
— Йигирма беш соатдан иборат бўлади.
— Йўқ, янглишдинг.
— Нега? Ахир ўзингиз кунлар бир соатга узайди дедингиз-ку?!

Болакай бобосига қараб "Бобо!" деди, аммо бобоси унинг гапига қулоқ солмади.

— Овқат вақтида гапириб одобдан эмас, болам, — деб танбех берди бобо.

Овқатдан кейин бобо неварасидан сўради:
— Хўш, боя менга нима демоқчи эдинг?
— Э, энди фойдаси йўқ, бобо. Сизнинг шўрвангизга пашша тушиб кетувди. Уни еб юбордингиз.

— Элдор, идишдаги мураббони ким ялади?
— Қўшимизнинг мушуги.
— Унда нега юзингда мураббо юқи турибди?
— Мушукдан ортгани исроф бўлмасин деб еб қўйдим.

Меҳмон келса уй бекаси йўқ экан.
— Ойинг қани? — деб сўради меҳмон беш яшар Комиладан.
— Ойим икки соат олдин беш минутга қўшимиз Санобар холаникига чиқиб кетувдилар.